



Я Н Г И Ҳ А Ё Т У Ч У Н , Я Н Г И Ў З Б Е К И С Т О Н У Ч У Н !

3-oktabr
2024-yil 40 (1 090)



O'ZLIDEP



АХШАР

IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETASI

САЙЛОВ – 2024

ОЛИЙ МАЖЛИС
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ
ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
САЙЛОВИГА



КУН ҚОЛДИ

© 21asr.uz © XXI_asr@mail.ru @XXIasr_yangiliklari XXIasrgazetasi asr_xabarlari_news Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan



БИРГАЛИКДА БИЗ КУЧМИЗ! БИРГАЛИКДА ҚУДРАТЛИМИЗ!



О'zLiDePнинг кенг қамровли Сайловолди дастури:

ТАДБИРКОРЛАРГА ИМТИЁЗЛАР, ЁШЛАРГА ИМКОНИАТЛАР, ИЛМ АҲЛИГА САРМОЯЛАР, КЕКСАЛАРГА РАФБАТ

Бухоро давлат университетида талабалар билан бўлган учрашувда сўзга чиққан О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хаитов партия бу йилги сайловларга "Ваъда эмас, натижа, эртага эмас, бугун" эзгу шиори остида 5 мақсад – 500 вазифани қамраб олган Сайловолди дастури билан қизгин тайёргарлик кўрган ҳолда кириб келганини таъкидлади.

8



8

КИТОБЛАРИНИ ЯНГИ "ЛАСЕТТИ"ГА АЛМАШМАГАН

...Унинг тенгқурлари ота-оналаридан байраму бегим кунларида пул олишса, югура солиб обакидандон – ширинликлар сотиб олишарди. Баъзилари эса бу пулларни ўйинчоқ машина-ю самолётчалар харид қилишга сарфларди.



БИР МАНДАТЛИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – 03 ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР РЎЙХАТИ

1-округ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ



БАЛТАБАЕВА НУРСУЛУ ҚОШКИНБАЕВНА
1987 йил
Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлигининг Президент мактаблари бўлими бошлиғи

2-округ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ



МАМУТОВ РАВШАН АМИНАДДИНОВИЧ
1973 йил
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси раиси

3-округ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ



ХАЛМУРАТОВА ГУЛЖАН ПИРЖАНОВНА
1969 йил
Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар кўмитаси шўба бошлиғи

4-округ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ



АЛДАМУРАТОВ БАХЫТБАЙ УМИРЗАҚОВИЧ
1970 йил
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси аъзоси

5-округ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ



АЗИМОВ САЙДУЛЛО НЕЪМАТИЛЛАЕВИЧ
1985 йил
Андижон вилояти прокуратураси жиной суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи

6-округ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ



МАМАЖОНОВ АКМАЛЖОН АЛИЕВИЧ
1986 йил
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

7-округ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ



ОТАХОНОВА ОДИНАХОН ИНОМОВНА
1974 йил
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси аъзоси

8-округ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ



ЭРГАСHEВ ЖАВЛОНБЕК ХАСАНОВИЧ
1989 йил
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

ЎЗБЕКИСТОННИ ТАДБИРКОРЛАР МАМЛАКАТИГА АЙЛАНТИРАМИЗ – ТАДБИРКОРЛАР СОНИНИ 3 МИЛЛИОН НАФАРДАН ОШИРИШ УЧУН БАРЧА ЗАРУР ЧОРАЛАРНИ КЎРАМИЗ.

9-округ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ



ЮЛДАШЕВА ЗАМИРА КАДИРОВНА
1973 йил
Президент ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш маркази Андижон вилояти ҳудудий бўлими директори

10-округ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ



КАРИМОВА ГУЛБАХОР АБДУСАТТАРОВНА
1980 йил
Андижон қишлоқ ҳўжалиги ва агротехнологиялар институти Агробизнес ва маркетинг кафедраси мудири

11-округ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ



ЮЛДАШЕВ ОЙБЕК БАХОДИР ЎҒЛИ
1990 йил
Ёшлар ишлари агентлигининг Андижон вилояти ёшлар ишлари бошқармаси бошлиғи

12-округ БУХОРО ВИЛОЯТИ



БАРАТОВА МАДИНА ХАСАНОВНА
1986 йил
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси аъзоси

13-округ БУХОРО ВИЛОЯТИ



ЖАББОРОВ НУРИДДИН МУҲИДДИНОВИЧ
1979 йил
Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

14-округ БУХОРО ВИЛОЯТИ



САМИЕВА ГУЛНОРА РАЖАБОВНА
1967 йил
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Бухоро вилояти бошқармаси бошлиғи

15-округ БУХОРО ВИЛОЯТИ



БЕШИМОВ ХАМИДЖОН САЙДИДОВИЧ
1972 йил
Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Бухоро вилояти Кенгаши раиси ўринбосари

16-округ БУХОРО ВИЛОЯТИ



ХАМДАМОВ ТОШМУРОД РУЗИДОВИЧ
1984 йил
АТ "Алоқабанк" Жиззах ҳудудий комплекс хизматлар кўрсатиш маркази чакана бизнес бўйича директори

17-округ БУХОРО ВИЛОЯТИ



СИДДИҚОВ РИСКҲУЛ ЭРҒАШБОВИЧ
1976 йил
Олий Мажлис Сенати Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси ўринбосари

18-округ БУХОРО ВИЛОЯТИ



БУСТАНОВ КАМОЛ РАҲМАТУЛЛАЕВИЧ
1978 йил
Акциядорлик тижорат Халқ банкининг Кредит андеррайтинг департаменти директори в.б.

19-округ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ



АМИНОВА АЗИЗА МАРҚСОВНА
1978 йил
Навоий давлат педагогика институти Тарих кафедраси мудири

20-округ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ



БУЛЕКБАЕВА ДЖАНАГУЛ УСЕНБАЕВНА
1968 йил
Республика Маънавият ва маърифат маркази Учқудуқ тумани бўлинмаси раҳбари

БИЗ "ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ЮРТИ" ҲОСИ ТИЗРОҚ АМАЛГА ОШИШИДА ЕТАКЧИ КУЧ БЎЛАМИЗ.

21-округ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ



ҲАЙДАРОВ САНЖАР АКБАРОВИЧ
1985 йил
Нурота тумани Иқтисодиёт ва молия бўлими мудири

22-округ НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ



СУЛТОНОВ НУРИДДИН АБДУХАМИДОВИЧ
1982 йил
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси аъзоси

23-округ НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ



АКБАРОВ ОДИЛ ЗОКИРОВИЧ
1989 йил
Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

24-округ НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ



ТУРСУНОВА НАРГИЗА МУХАММАДЖАНОВНА
1973 йил
Давлатобод тумани 8-оилавий поликлиникаси бош врач



VA'DA EMAS, NATIJA

Ertaga emas, bugun

Qonunchilik palatasiga nomzod

Javlonbek Ergashev

OVOZ BERING!



VA'DA EMAS, NATIJA
Ertaga emas, bugun



Янги Ўзбекистон — инсон қадри улуғладиган, ҳар бир фуқаро ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун барча имкониятлар яратилган мамлакат бўлмоғи керак! Халқимиз эртага эмас, узоқ келажақда эмас, айнан бугун ўз ҳаётида бу каби орзулар рўёбини кўришни истайди.

БИР МАНДАТЛИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР РЎЙХАТИ

25-округ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

ХУДАЙБЕРДИЕВ ЗАФАР РАХИМОВИЧ
1968 йил
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

26-округ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

АРТИҚОВ ДИЛМУРОД РАХМАТИЛЛАЕВИЧ
1988 йил
Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби доценти

27-округ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

РАХМОНОВ МАЪРУФЖОН МАХМУДЖОНОВИЧ
1982 йил
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Наманган вилояти бош бошқармаси бошлиғи

28-округ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

РАХМАНОВА ЗЕБИНИСО ПУЛАТОВНА
1969 йил
Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи

29-округ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

МАХМУДОВА ДИЛАФРУЗ РАХМООНОВА
1985 йил
“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки “Самарқанд” банк хизматлар офиси фронт-офис корпоратив мижозлар билан ишлаш бўйича персонал менежери

30-округ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

МЎМИНОВА НАСИБА АБДУХАЛИМОВНА
1982 йил
O‘zLiDeP Самарқанд вилояти кенгаши жамоатчилик билан алоқалар ва мафкуравий ишлар бўлими мудир

31-округ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

ШАДМАНОВ АДҲАМ ХУРСАНБАЕВИЧ
1965 йил
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси

32-округ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

ШОДИЕВ ЖАСУРБЕК МАМАРАЙИМОВИЧ
1984 йил
“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошқарувчиси

33-округ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

ТОШНИЁЗОВА РАЪНО ТОХИРОВНА
1971 йил
Ўзбекистон – Финляндия педагогика институти Кенгаши котиби

34-округ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

АСЛОНОВ АБДУЛЛО УБАЙДУЛЛОЕВИЧ
1984 йил
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси ўринбосари

35-округ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

ХОЛМУХАМЕДОВ МУҲСИНЖОН МУРОДУЛЛАЕВИЧ
1981 йил
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази директори ўринбосари

36-округ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

ГАФУРОВА НИЛУФАР АБДУВАЛИЕВНА
1978 йил
Сирдарё тумани ҳокими ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи

37-округ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

ОЛИМОВА ГАВҲАР ДУСБЕКОВНА
1961 йил
Сирдарё вилояти суди раисининг ўринбосари – фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси

38-округ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

МЎМИНОВ БАҲРОМ МАМАРАЖАБОВИЧ
1977 йил
Қизилқум тумани “Мадина Илҳом қизи” фермер хўжалиғи раҳбари

39-округ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

АСТАНАҚУЛОВА РАЪНО ХУРСАНОВНА
1965 йил
Сурхондарё вилояти ногиронлиғи бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази неврология бўлими бошлиғи

40-округ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

РАДЖАБОВА ШОИРА НУРМАТОВНА
1973 йил
Ангор тумани ҳокими ўринбосари – оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи

41-округ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

ШЕРМАТОВ АЛИШЕР ЭШБОЛТАЕВИЧ
1979 йил
Шўрчи тумани “Мўмин текстил” масъулияти чекланган жамияти раҳбари

42-округ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

ЖЎРАБЕКОВА ОЙДИН ДЎСТОВНА
1967 йил
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сароисиё туманидаги Халқ қабулхонаси мудир

43-округ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

ҲАМРОЕВА МАРҒУБА КОМИЛОВНА
1979 йил
Денов тадбиркорлик ва педагогика институти “Биология ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари технологиялари” кафедраси мудир

44-округ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ПАК ВИКТОР НИКОЛАЕВИЧ
1958 йил
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси

45-округ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ХУДАЙБЕРДИЕВ УЛУҒБЕК АБДУҲАКИМОВИЧ
1988 йил
Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси Чорвачилик тармоқларини ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси

46-округ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

БУРИЕВ АБДУМАННОП АБДУРАХМАТОВИЧ
1986 йил
Фарғона вилояти Адлия бошқармаси бошлиғи

47-округ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

МУХИТДИНОВ АЗИЗБЕК АДИЛОВИЧ
1989 йил
“Toshkent Traktor Zavodi” МЧЖ бош директори

48-округ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

САЛИЕВ САЙДУЛЛА ИНАЯТИЛЛАЕВИЧ
1988 йил
Тошкент тумани “Bonito Group” масъулияти чекланган жамияти директори

49-округ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ОРТИҚБОЕВ ОТАБЕК МУЗАФФАР ҲАКИМОВИЧ
1991 йил
Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиғи Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари

50-округ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ХАЛИЛОВА МАМУРА ФАЙЗУЛЛА ҚИЗИ
1992 йил
Тошкент шаҳар Спорт бошқармаси Этноспорт турларини ривожлантириш ва спорт нормативларини ўтказиш шўъбаси бошлиғи

51-округ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

ХОДЖАЕВА МАВЛУДАХОН ИСЛАМОВНА
1962 йил
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси

52-округ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

МАҲАММЕТОВА МАТЛЮБА АДИЛОВНА
1961 йил
“Ҳаят” репродуктив саломатлик маркази бош директори

ЛИЦЕНЗИЯЛАР СОНИНИ ИККИ БАРАВАРГА КАМАЙТИРАМИЗ, ЛИЦЕНЗИЯ БЕКОР БЎЛАДИГАН 60 ТА ФАОЛИЯТ УЧУН ХАБАРДОР ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТАМИЗ.



БИР МАНДАТЛИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР РЎЙХАТИ

53-округ **ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ**



ИБРАГИМОВА МАВЛУДАХОН ҚАХРАМОНОВНА
1967 йил
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари кўмитаси аъзоси

54-округ **ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ**



ИМОМОВА МУКАММАЛ ЁРМУХАМАТОВНА
1975 йил
Фарғона давлат университети Кимё кафедраси мудир

55-округ **ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ**



ШУКУРОВ РАҲМАТИЛЛО МИРЗАТИЛЛАЕВИЧ
1975 йил
Фарғона давлат университети ўқув ишлари бўйича проректори

56-округ **ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ**



АБДУРАХМОНОВ БОХОДИРЖОН РАХИМЖОНОВИЧ
1980 йил
Фарғона вилоят Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси

БАРЧА АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ УЧУН ЙЎНАЛТИРИЛАДИГАН 2,5 МИЛИАРД ДОЛЛАР МАБЛАҒНИНГ МАҚСАДИ САРФЛАНИШИНИ ҚАТЪИЙ НАЗОРАТГА ОЛАМИЗ.

57-округ **ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ**



УСМОНОВ АДҲАМЖОН АЪЗАМЖОНОВИЧ
1987 йил
“International school of finance technology and science” институти Фундаментал иқтисодий фанлар кафедраси доценти

58-округ **ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ**



МИРЗААЛИЕВ ИҚБОЛЖОН МИРЗАКАРИМОВИЧ
1967 йил
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари

59-округ **ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ**



БЕРДИЕВА БАРНО САИТНАЗАРОВНА
1974 йил
Урганч шаҳар ҳокимининг ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи

60-округ **ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ**



САБИРОВ РУСЛАН ЖУМАНАЗАРОВИЧ
1989 йил
Хоразм вилояти Адлия бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари

61-округ **ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ**



ЯКУБОВ УЛУҒБЕК АМАНГЕЛДИЕВИЧ
1977 йил
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Хоразм филиали раҳбари ўринбосари

62-округ **ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ**



МАДАМИНОВА МЕҲРИБОН МАТРАСУЛОВНА
1971 йил
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Урганч тумани бўлини маси кенгаши раиси

63-округ **ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ**



БЕКМУРОДОВ БОБУР МАНСУРОВИЧ
1985 йил
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси аъзоси, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати раиси

64-округ **ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ**



КАРАМОВА ХУРШИДА УСМАНОВНА
1972 йил
Акциядорлик тижорат “Халқ банки” Қашқадарё вилояти филиали Аёллар ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича бошлиқ ўринбосари

65-округ **ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ**



ХУДОЯРОВА ГУЛШАНА БЕРДИНАЗАРОВНА
1972 йил
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзоси

66-округ **ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ**



ОРИПОВА НОДИМА ХАЛИЛОВНА
1973 йил
Қарши давлат университети Мактабгача таълим кафедраси мудир

67-округ **ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ**



ЭРГАСHEV КАХРАМОН ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ
1964 йил
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

68-округ **ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ**



ЁҚУБОВ ТУЙЧИ АБДУРАХМОНОВИЧ
1981 йил
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Қашқадарё вилояти филиали раҳбари ўринбосари

69-округ **ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ**



ХОЛМАХМАТОВА ШАХНОЗА БАХТИЁР ҚИЗИ
1990 йил
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзоси

70-округ **ТОШКЕНТ ШАҲРИ**



МИРХОДЖАЕВА МАЛИКА МУЗАФАРОВНА
1983 йил
Тошкент туризм ва меҳмонхона менежменти техникуми Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари

71-округ **ТОШКЕНТ ШАҲРИ**



АХМЕДОВ ДУРБЕК КУДРАТИЛЛАЕВИЧ
1963 йил
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси раиси ўринбосари

72-округ **ТОШКЕНТ ШАҲРИ**



РАСУЛОВА ГУЛНОРА АКРАМОВНА
1966 йил
Тошкент педагогика коллежи ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари

ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА ЕТИШТИРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР НИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, САРАЛАШ, САҚЛАШ, ҚАЙТА ИШЛАШ ВА СОТИШГА КЎМАКЛАШУВЧИ ШОҲОБЧАЛАР ТАШКИЛ ЭТИШНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ.

73-округ **ТОШКЕНТ ШАҲРИ**



ЗАХИДОВ ЭРКИН АГЗАМОВИЧ
1955 йил
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси

74-округ **ТОШКЕНТ ШАҲРИ**



ЖУМАЕВ НОДИР ХОСИЯТОВИЧ
1976 йил
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Санаят, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси раиси

75-округ **ТОШКЕНТ ШАҲРИ**



ФАЗИЛОВ РАВШАН АБДУЛХАЙЕВИЧ
1961 йил
“Ferguz-servis” хусусий корхонаси директори, O‘zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши раиси



VA'DA EMAS, NATIJA

Ertaga emas, bugun

Qonunchilik palatasiga nomzod

Guljan Xalmuratova

OVOZ BERING!





Шухрат АСЛАНОВ,
“Шўртан газ кимё мажмуаси”
МЧЖ бош директори,
Халқ депутатлари
Қашқадарё вилоят
кенгаши депутати,
O'zLiDeP вилоят
кенгаши раиси

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАМАЛ ТОШИ

Бугун барча маслақдошларимиз муҳим сиёсий жараён, катта имтиҳон оstonасида турибди. 27 октябрда бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари кенгашлари сайловида фаол қатнашиб, яна бир карра халқимизнинг ишончини қозониш учун O'zLiDePнинг барча аъзолари, фаоллари жиддий тайёргарлик кўрмоқда.

“Эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни биргалликда қурашимиз!” шiori остидаги ушбу сайловолди тadbирларда қатнашар эканмиз, энг аввало, жонажон халқимизни амалий ишларимиз билан рози қилиш, эртанги ёруғ келажак сари ташлаётган ҳар бир қадамимиз мустаҳкам бўлмоғи учун дадил курашяпмиз. Партияимиз айна пайтда келгуси беш йилга мўлжалланган стратегик концептуал ғоя ва мақсадларни ўз ичига олган, жамият ва давлат ҳаётининг барча жаҳалларини қамраган Сайловолди дастурини юртдошларимиз эътиборига тақдим этди. Ушбу мақсад ва режаларимизни катта қизиқиш билан ўрганиб, бизга ишонган сайловчилар келгусидаги фаровон ва бахтли ҳаёт учун овоз беришларини очик-ойдин билдиришмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилаётган сайловолди учрашуварларида, жумладан, корхона ва ташкилотлар, олий таълим муассасалари, билим масканлари, маҳаллаларда O'zLiDePнинг бу йилги сайловларда “Ваъда эмас, натижа, эртага эмас, бугун” эзгу шiori остида 5 мақсад 500 вазифани ўзида мужассам этган истиқболли дастури билан иштирок этаётгани кенг муҳокама этиляпти. Ўзбекистонда депутатлар сайловининг илк бор аралаш, яъни мажоритар-пропорционал тизим асосида ўтказилиши тўғрисидаги тарғибот ишлари кенг жамоатчилик ўртасида ташкил этилмоқда.

Масалан, биргина Қашқадарё вилоятида 1 053 та бошлангич партия ташкилоти бўлиб, 125 минг 60 нафар аъзони бирлаштирган. Шундан 65 354

нафарини ёшлар, 40 805 нафарини аёллар ташкил этади. Партияимиздан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлигига қўйилган номзодлар айна пайтда сайловолди учрашуварларини ғоят кўтаринки руҳда ўтказишяпти. Партияимиз дастурида ҳар бир туманда камида мингта иш ўрни яратадиган иккитадан янги сонаот зоналарини ташкил қилиш, IT хизматлари экспорти 5 миллиард долларга олиб чиқилиши кўзлангани ҳам юртимизнинг барқарор иқтисодий тараққиётига хизмат қилиши муқаррар экани сайловчиларнинг эътирофига сазовор бўлаётди. Ёшларни касб-хунарга тайёрлаш амалиётининг айнан корхоналар буюртмаси асосида жорий этилиши, ҳар бир вилоятда Ёшлар ижтимоий-иқтисодий марказини ташкил этиш ҳам муҳим вазифалардандир. Ёш авлодни тadbиркорликка жалб қилиш учун жойлардаги микромолиялаш хизматларини кенгайтириш ва тегишли асбоб-ускуналардан кенг фойдаланиш учун зарур имкониятларни яратишга ҳам эътибор қаратилади.

Партияимиз 30–69 ёшли аёллар ўртасида касалланиш ва ўлим кўрсаткичини камайтириш, соғлом ва фаол кексаликни таъминлаш, умр кўриш давомийлигини ҳозирги 73,8 ёшдан 2030 йилга бориб 78 ёшгача етказиш мақсадида бепул тиббий кўрик ташкил этаётганидан кўпчилик хурсанд. Айниқса, бу тadbирлар 40 ёшдан ўтган аёлларнинг саломатлигини назорат қилиш, турли касалликларга чалинишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этаётгани айтиляпти. Шунингдек, ҳар

бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароит яратиш, бу борада маҳалланинг ролини кучайтириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада яхшилаш, сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги устувор вазифалар ҳам ҳужжатдан ўрин олган.

Ёшларни билим ва тарбия олишлари учун 220 миллиард сўм йўналтирилади. Ўз бизнесини ижарага олинган бинода бошлаётган ёшларимизга бир йиллик ижара харажатининг 50 фоизи қоплаб берилади. Талабалар учун давлат ташкилотларида иш ҳақи тўланадиган стажировка тизими жорий қилинади. Хорижий олий ўқув юртрадида таълим олаётган 150 минг нафар ёшлар давлат томонидан қўллаб-қувватланади.

Tadbirkorlikni қўллаб-қувватлаш мақсадида келгуси йилларда бизнес учун қўшилган қиймат, фойда, айланма ва мол-мулк солиқ ставкалари оширилмаслиги қатъий кафолатланиб, 2024 йилдан бошлаб янги уй-жой сойтиб олган аҳолига қўшилган қиймат солиғининг ярми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотган фермерларга қўшилган қиймат солиғининг 50 фоизи қайтариб берилиши белгиланмоқда. Ижтимоий реестрга кирган аҳолини ишга олган корхоналардан даромад солиғи олинмайди. Вақтида солиқ тўлаётган корхоналар қўшилган қиймат солиғини қайтариш муддати бир кун этиб белгиланиб, уларда солиқ текширувлари ўтказилмайди ва давлат харидларида устунлик берилади. Вилоятимиздаги эҳтиёманд оилаларга мансуб 20 минг талабага контракт пуллари тўлаб берилади.

Ишонаманки, янгиланган Конституцияимиз асосида бўлиб ўтадиган сайловларда фуқароларимиз юксак сиёсий онги ва ҳуқуқий маданияти, фаоллигини намоён қилган ҳолда номзодлар орасидан энг муносиблари учун овоз берадилар.

АРАЛАШ САЙЛОВ ТИЗИМИ:

ПАРЛАМЕНТНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

Маълумки, 27 октябрь куни мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён – парламент ва маҳаллий вакиллик органларига сайлов бўлиб ўтади. Бу галги парламент сайловида илк бор аралаш, яъни мажоритар-пропорционал сайлов тизими амалиётга жорий этилмоқда.

Қонунчилик ва сиёсий тизимлар тирик организм сингари доимий тарзда ривожланиб боради. Жумладан, мамлакатимиз сайлов тизими ва қонунчилиги ҳам мунтазам такомиллашиб бормоқда. Қонунчиликка киритилган ўзгаришларга кўра, эндиликда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловлар аралаш сайлов тизими бўйича ўтказилади.

Миллий парламентимиз қўйи палатаси беш йил муддатга сайланадиган 150 нафар депутатдан иборат бўлади. Бу йил мамлакатимиз тарихида биринчи марта депутатларнинг 75 нафари бир мандатли сайлов округлари бўйича сайловчиларнинг бевосита номзодларга берган овозларига мувофиқ сайланади. Қолган 75 нафари эса ягона сайлов округи бўйича сиёсий партияларга берилган овозларга мутаносиб равишда сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар рўйхати (яъни, партия рўйхати) асосида сайланади.

Хўш, жаҳонда ўзи қандай сайлов тизимлари мавжуд? Аралаш сайлов тизими деганда нима тушунилади?



Биринчиси, мажоритар сайлов тизими. Унда сайловчилар аниқ бир шахсга овоз беради. Сайлов бюллетенида депутатлик ўрни учун курашаётган номзодлар кўрсатилади. 2024 йилга қадар мамлакатимизда мажоритар сайлов тизими амал қилган.

Иккинчиси, пропорционал сайлов тизими. Унда сайловчилар сиёсий партияларга овоз беради. Сиёсий партиялар сайловда қўлга киритган овозлари фоизига мутаносиб равишда депутатлик ўринларини эгаллайди.

Учинчиси, аралаш сайлов тизими. У мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларининг уйғунлашувидан ҳосил бўлган. Бу уйғунлик парламентнинг бир қисми – мажоритар, бошқа бир қисми эса пропорционал тизим асосида шаклланишида намоён бўлади.

Яна бир муҳим янгиликни таъкидлаш жоиз. Аввалги сайловларда гендер тенгликни таъминлаш учун депутатликка номзодлар орасида аёллар камида 30 фоиз бўлиши керак эди. Бу йилги сайловларда бу рақам 40 фоизгача кўтарилди. Сиёсий партия рўйхатидаги кетма-кетликда эса камида ҳар беш номзоднинг икки нафари аёл киши бўлиши лозим.

Сайлов куни овоз бериш тартиби қандай бўлади? Бу йил сайлов қонунчилиги янада такомиллаштирилиб, номзодлар учун қулайликлар яратилди. Яъни, бу йилги сайловларда такрорий сайловлар бўлмайди.

Мажоритар тизимда сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодларнинг ҳеч бири сайловчиларнинг ярмидан кўпининг овозини ололмалиги мумкин эди. Бу эса такрорий овоз беришни ўтказиш, қўшимча ташвиш ва харажат талаб этар эди. Жумладан, 2019 йилда ўтказилган парламент сайловларида йигирма бешта сайлов округида такрорий овоз бериш ўтказилган.

Бундан ташқари, бўшаб қолган депутатлар ўрнини тўлдириш учун сайлов комиссиялари фаолиятини қайтадан тиклаш зарур. Бу эса минглаб одамларни яна сайлов комиссиялари ишига жалб этиш, сайловчиларни қайтадан овоз беришга даъват қилиш билан боғлиқдир. Пропорционал сайлов тизимининг афзаллиги – бундай ҳолатларда партия томонидан кўрсатилган рўйхат бўйича навбатдаги номзод депутатлик ўрнини эгаллайди. Партиялар томонидан шакллантирилган рўйхатлар жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинади.

Сайловда эркин ва яширин овоз берилади. Сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини назорат қилишга йўл қўйилмайди.

Овоз бериш сайлов куни соат 8.00 дан 20.00 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида

участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловдан камида ўн кун олдин хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурда тузилган сайлов участкаларида овоз бериш сайлов куни ушбу сайлов участкалари жойлашган ердаги маҳаллий вақт билан соат 8.00 дан 20.00 гача ўтказилади.

Сайловчи сайлов куни овоз бериш биносига келгач, участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатида имзо қўяди. Шундан кейин унга 4 та сайлов бюллетени берилади:

Биринчи бюллетен – оч кўк рангли бўлиб, унда Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар ҳақидаги маълумотлар;

Иккинчи бюллетен – оч яшил рангли бўлиб, бюллетенда Қонунчилик палатаси сайловида иштирок этаётган сиёсий партиялар номи;

Учинчи бюллетен – оч сариқ рангли бўлиб, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар кенгаши депутатлигига номзодлар ҳақидаги маълумотлар;

Тўртинчи бюллетен – оч кулранг бўлиб, халқ депутатлари туман, шаҳар кенгаши депутатлигига номзодлар ҳақидаги маълумотлар киритилади.

Бирон-бир сабабга кўра сайловчилар рўйхатида фамилияси кирмай қолган сайловчиларнинг фамилиялари сайловчининг шахси, фуқаролиги ва яшаш жойини тасдиқловчи ҳужжат асосида сайловчилар рўйхати иловасига киритилади.

Яна бир муҳим янгилик, Рақамли технологиялар вазири билан ҳамкорликда миллий сайлов амалиётига “E-saylov” ахборот тизими жорий этилди. Ушбу замонавий тизимнинг афзаллиги – сайлов комиссияларининг сиёсий партиялар, номзодлар, қузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари билан қарийб 60 турдаги муносабатлари тўлиқ электрон тарзда амалга оширилади.

“E-saylov” ахборот тизимида фуқаролар учун ҳам, номзодлар учун ҳам сайловга оид ахборотларни олишда бир қатор қулайликлар яратилган. Жумладан, ахборот тизими сайловчилар ва сайлов участкаларига оид статистик маълумотларни олиш, барча турдаги сайловлар бўйича депутатликка номзодларнинг таржимаи ҳоли билан танишиш имконини беради.

Сайловни белгиланган талаблар асосида олиб бориш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан Календарь режа ишлаб чиқилиб тасдиқланди ва унинг ҳар бир банди бўйича ҳудудларда бошқичма-бошқич ишлар ташкил қилиб борилмади.

Масалан, бизнинг Қашқадарё вилояти бўйича 60 та вилоят округи, 400 та туман ва шаҳар округи ҳамда 1 038 та туман ва шаҳарлар сайлов участкалари тузилди, шунингдек, вилоят округлари ва участка сайлов комиссиялари таркиблари тасдиқланди.

Участка сайлов комиссиялари жойлашган бино ва унга олиб борувчи йўлақлар таъмирланиб, ёритиш мосламалари ўрнатилди. Ногиронлиги бўлган шахслар учун шароитлар яратилди, жумладан, бинога кириш жойида ногиронлар аравачасига мослаштирилган, белгиланган талабларга мос нишаб йўлақлар (пандуслар) кўздан кечирилиб, пандуслари бўлмаган участкаларга махсус кириш жойида “ёрдамга чақирин” тугмаси ўрнатилди.

Участка сайлов комиссиялари жойлашган бинолар ҳамда овоз бериш хоналари тегишли тарзда жиҳозланди.

Қашқадарё вилояти ҳудудий сайлов комиссияси ўзининг сайловолди вазифалари ва иш режасини белгилаб олди. Иш режасига асосан ҳудудий сайлов комиссиясининг ҳар бир аъзоси шаҳар ва туманларга бириктирилди. Бундан мақсад сайловларни белгиланган талаблар асосида ўтказиш бўйича округ ва участка сайлов комиссияларига амалий ёрдам беришидир.

Шoнра ҲАЙДАРОВА,
Қашқадарё вилоят ҳудудий
сайлов комиссияси раиси ўринбосари

ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Китобларини

Янги "ЛАСЕТТИ"ГА АЛМАШМАГАН

ГУЛИСТОНЛИК МАМАДАЛИ АҲМЕДОВНИНГ СИЙРАТИГА АЙРИМ ЧИЗГИЛАР



...Унинг тенгқурлари ота-оналаридан байрам бегим куларидан пул олишса, югура солиб обакидандон – ширинликлар сотиб олишарди. Баъзилари эса бу пулларни ўйинчоқ машинага самолётчалар харид қилишга сарфларди.

У эса пулни чўнтагига солиб, тўғри китоб дўконига йўл оларди. Хариди аввалдан маълум эди. Эртагу афсона китобларни ўқишга жуда эрта ўрганди. Кейин-кейин мозийдан сўзловчи асарларга кўнгил қўйди.

Мақтабнинг юқори синфидан ўқитган паллаларида эса унинг кўнглини адабий, бадиий нашрлар бутунлай ром этди. Қарда, қай манзилда тилга тушган асар бўлса, ҳаммасини топиб ўқир ёки сотиб оларди.

Унинг ғалати бир феъли бор эди. Китобни худди бармоғига чиққан чипқондай авайлаб-асрарди. "Тап" эткизиб хонтахта устига ташлаш, чангу губорга эм қилиш унинг учун ёт эди. Варақлар орасига хатчўп қўйиб ўқишни ҳам ёшлигидан ёқтирарди.

Мақтабни тугаллаган йили унинг мингга яқин китоби дараза тоқчаларини, бир неча сандиғу жомадонни, ўзи ётадиган жойнинг чор атрофини аллақачон банд қилиб бўлганди. Китобларини кўрган қавму қариндоши, таниш-билиши, тенгқурлари беихтиёр "ўх-ўх" деб юборишарди. Уларни китобларнинг соню салмоғи, муаллифларнинг танишу нотанишлиғи шунчаки сукутга жўра қиларди-қўярди. Ана шу сукутдан сўнг бировлар секингина хуштак чалса, кимдир ўқиган киши бўлиб китоб титқилар-

ди. Яна биров эса чин юракдан ҳавас қилиб, унга эргашарди. Таниш-билишлари орасида китоб ўқишга астойдил киришганлар кўп бўлди. Бироқ бу ишни, бу юмушни бутунлай ўзиники қилиб олганлар сонни у қадар кўп эмасди. Мамадали Аҳмедовнинг китоб билан ошночиликини бас қилмаган таниш-билишлари орасидан ўта маърифатли, ўта одамохун шахслар етишиб чиқди.

Масалан, Имомқул Нуриновни олайлик. У Гулистонда яшайди. Аввал маданият соҳасида ишлади, сўнг вилоят телевидениесига оддий муҳбир ва кейинчалик шу катта даргоҳнинг раҳбари бўлди. Узгалар ҳамда ўзининг айби билан ишдан кетди. Оиласини боқиш учун кўча-қўйда савдо қилди. Лекин Мамадали Аҳмедов билан ака-укачилиғи уни мазмунли бошқа бир ҳаёт йўлига қайтарди. У ҳозир ноёб китоблар савдоси билан шўғулланади. Унинг энг катта ва кўз-кўз қилса арзигулик юмуши эса нодир китобларга муқова қилишдир. Бу атрофда бирор-бир кимса Имомқулга бу соҳада яқин ҳам келолмайди. Ана шу касби ортидан икки қизини олий маълумотли қилди. Уларни яхши мутахассис даражасига кўтарди. Имомқул худди Мамадали ака каби бўш қолди дегунча қўлига китоб олади. Чойхона, турли кеча, зиёфатларга қатнаш унинг ҳаётидан ўз-ўзидан ғойиб бўлди.

Яна қаҳрамонимизга қайтамиз. У эшик-ром ясайдиган таниқли устага бир уйни кўрсатиб, бўлажак кутубхонасининг шакл-шамойилини тушунтириб берганида, у бироз шошиб қолди.

– Китобингиз шунчалар кўпми? – деди у. – Бу ишга сиз уйлагандан кўра кўпроқ тахта кетади. Пули ҳам "жаз-жаз" қақади.

– Розиман, кўнглини тўқ қилиб, ишни бошлайверинг...

Ҳар тўқсизда бир қусур, деганларидек, унинг баъзи бир камчиликлари ҳам бор. Айтилиқ, бировга китоб беришда ўтакетган зиқналиқ қилади. Худди имтиҳонга келган талабани синовдан ўтказгандек китобни неча кун, қандай ўқишни ва яна қачон қайтаришини эзмаланиб сўрайди. Кутубхонасидаги алоҳида дафтарга буларнинг барини қайд этиб қўяди. "Эл қулганга қуламан, бир нарсани биламан", дея китоб ўқимаса-да, ўзини ўта зиёли ҳамда билимдон кўрсатмоқчи бўлган кимсаларга умуман китоб бермайди. Ҳақиқий ўқирманларга эса китоб тавсия қилиб, беминнат тарқатади. Ахборот технологиялари асрида бундай кишилар анқонинг уруғи, десак ёлгон бўлмаса керак.

– Мамадали ака, мана шу кутубхонангиздаги китобларнинг ҳаммасига янги "Ласетти" машинасини бераман, розимисиз? – дейишди унга яқинда.

Бу таклифни эшитиб... мийғида жилмайиб қўйди. Кулаётиб, меҳмонга чой узатди. Хариддорнинг бўлса ичи қизирди. Унда негадир умиду илинж бор эди. Ахир бу одам ҳар кун ишга бориб келиш учун йўл четида машина пойлайди. Камтару камсўқум экан, хойнаҳой, йўқ деёлмаса керак.

Буни қарангки, ҳаммамиз ҳам хом сўт эмган бандлармиз. Бошқаларни ҳам ўзимизнинг қаричимиз билан ўлчаймиз. Айнан ўша меҳмон ҳақида шу гапларни айтсак хато қилмаймиз.

– Сиз кўриб турган бу китоблар орасида шундай ноёб нусхалари борки, уларнинг ҳар бири битта янги машинангиздан ҳам қимматроқ туради, укажон, – деди қаҳрамонимиз.

– Йўқ деманг, илтимос, сизга бермоқчи бўлган машинанинг магнитофонидан шунақанги гўзал тароналар, яллалар янграйдикки, танангиз йираб кетади...

Барибир суҳбатлари қовушмади. Қаҳрамонимиз ҳайрон бўлди, унинг эса пича жаҳли чиқди. Чунки у бойвач-чароқ эди. Уйига келиб-кетувчиларга ўзини ҳар томонлама тўла-тўқис бир киши сифатида кўрсатишга яширин бир иштиёқи бор эди. Лекин...

Кимдир унинг китоблари сонини "йигирма мингга ет-гандир-ов", деса, бошқа биров эса "ўттиз денг, ўттиз" дея таъкидлаб қўяди. Гап сондамикан?

Мамадали оғамиз етмишга кирди. Бугунги кунда ҳам вилоятдаги "Янги Сирдарё" газетасида адабиёт бўлимини бошқаради. Кимдир ўзи яшаётган уйни яхши кўради, биров боғ ҳовлисига кўнгил қўйган, яна кимдир эса машинага иштиёқманд. Мамадали Аҳмедов эса китоблар ошиғи. Бундан на чарчади, на зерикади. Яхши китобни тарғиб қилиш эса унинг аллақачон мақсаду матлабига айланган.

У доимо ҳақиқатни гапириб, ёзганлиғи учун китоблардан миннатдор бўлиб яшайди. Мулоҳазага гапларимизни ўқиганлар: "Бори шуми?" дея сўроққа оғиз жуфтлашлари мумкин. Биз катта қаноату катта қониқиш билан "Ҳа, унинг бу дунёга келиб толган бор бойлиғи, дунёси шу" дея жавоб берамиз.

Бизнинг тушунчамизни фақат тушунган одамлар тушунадилар.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

О'zLiDePнинг кенг қамровли Сайловолди дастури:

ТАДБИРКОРЛАРГА ИМТИЁЗЛАР, ЁШЛАРГА ИМКОНИЯТЛАР, ИЛМ АҲЛИГА САРМОЯЛАР, КЕКСАЛАРГА РАҒБАТ

БУХОРО

Бухоро давлат университетиди талабалар билан бўлган сайловолди тарғибот учрашуви савол-жавобларга бой ва кўтаринки кайфиятга кечди. Тадбирни Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлиғига О'zLiDePдан кўрсатилган номзод Фармон Аминов кириш сўзи билан очди.

Тадбирда сўзга чиққан О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Актам Хаитов партия бу йилги сайловларга "Ваъда эмас, натижа, эртага эмас, бугун" эғзу шiori остида 5 мақсад – 500 вазифани қамраб олган Сайловолди дастури билан қизғин тайёргарлик кўрган ҳолда кириб келганини таъкидлади.

Этиборлиси, дастур ёшларни ҳунар ва замонавий касбларга, хоржий тилларга ўқитиш, уларнинг маънавият ва маърифатини юксалтириш, китобхонлигини ошириш, ижтимоий қўллаб-қувватлашни назарда тутди. Шу-

Ёшларни касб-хунарга тайёрлаш амалиётининг айнан корхоналар буюртмаси асосида йўлга қўйилиши ҳам Сайловолди дастурида ўз ифодасини топган. Ҳар бир вилоятда камида 100 гектар майдонда Ёшлар ижтимоий-иқтисодий маркази ташкил этилади. Жойлардаги микромолиялаш хизматларини кенгайтириш ва тегишли асбоб-ускуналардан кенг фойдаланиш учун зарур имконият яратиш, бизнесини ижарага олинган бинода бошлаётган ёшларга бир йиллик ижара харажатининг 50 фоизини қўллаб бериш каби долзарб вазифалар ҳам сайловолди дастурида аниқ-равшан белгилаб берилган.

Сайловолди учрашувида сўзга чиққан О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Дилшод Шоумаров, партия вилоят кенгаши ҳузуридаги Нуронийлар кенгаши раиси Бехўд Жумаев, партия вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари Бобомурод Очилов, парламент куйи палатаси депутатлиғига пар-

ижроси мустақил ҳаёт остонасида турган йигит-қизлар учун ҳам ўзига хос дастуриламал бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

– Дастурда олий таълим муассасаларида илмий тадқиқотлар натижадорлигини ошириш ва илмий салоҳиятни 70 фоизга етказиш, илм-фанга йўналтирилган маблағларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2030 йилгача 10 баробар оширишга эришиш ҳақидаги лойиҳаларнинг ишлаб чиқилиши ҳам айни мўддао бўлди, – дейди Бухоро давлат университети проректори Рустам Жумаев. – Чиндан ҳам, илмга қаратилган эътибор юрт тараққиётига хизмат қилади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда партиянинг Ўзбекистон келажагини ўйлаб қабул қилган бу дастури минглаб маърифат аҳлининг меҳнатини юзага чиқаришда муҳим аҳамиятга эгалиги кўзга яққол ташланади.

Учрашув иштирокчилари 27 октябрь куни бўладиган сайловда етакчи партия ва унинг номзодлари учун овоз беришларини маълум қилишди.

Ғиждувон туманидаги "Парвоз Ҳумо Равнақ Транс" корхонасида ўтган сайловолди ташвиқоти ҳам савол-жавобларга бой бўлди. Бухоролик тадбиркорларга партия Сайловолди дастуридаги соҳага оид энг муҳим жиҳатлар – барқарор иқтисодий ўсиш орқали ҳар бир инсон, оила ва жамаият фаровонлиғига эришиш борасида режалаштирилган мақсадлар тақдим этилди.

О'zLiDeP етакчиси Актам Хаитов улар билан суҳбатлашар экан, партия ўз дастурида ялпи ички маҳсулот ҳажминини 2030 йилга бориб 160 миллиард долларга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни эса 4 минг долларга етказилиши юзасидан ўз таклифларини илгари сураётганини маълум қилди. Келгуси беш йилда ишбилармонларимиз сонини 3 миллиондан ошириш, барқарор иш жойларини яратиш ва камбағалликни қисқартиришга аҳамият берилишини айтди. Шунингдек, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклаш, қўлай бизнес, инвестиция ва рақобат муҳитини шакллантириш, барқарор, содда ва адолатли солиқ сийёсатини жорий этишга эришилади. Санот тармоқлари ва замонавий сервис иқтисодиёт драйверига айлантирилади. Экспорт салоҳияти юксалтирилади. Юқори иқтисодий ўсишни таъминловчи барқарор ва



самарали молиявий хизматлар бозори шакллантирилади. Инфратузилма ва туризмни ривожлантириш сингари устувор вазифалар ижроси таъминланади. Навбатдаги беш йиллик яқинда юртимиздаги камбағаллик кўламини икки қарра қамайтириш, аҳолини тадбиркорликка жалб қилишнинг маҳаллаб дастурларини ишлаб чиқиш партиянинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида имтиёзли кредит ҳажмларини ҳар йили 30 фоизга ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини иш билан таъминлаб келаётган бизнес вакилларига мол-мулк ва ер солигидан имтиёзлар бериш, оғир вазиятга тушиб қолганлар учун кредит таътиллари бериш тизимини жорий этиш ҳам О'zLiDePнинг сайловолди таклифлари сирасига кириди.

Қизғин баҳс-мунозаралар ва очик мулоқот тарзида ўтган учрашувда О'zLiDeP Сийёсий таълим маркази раҳбари Н. Алимов, "Бухоро агрокластер" МЧЖ бош директори А. Султонов, "Маданият Муҳаммад Исмаи" фермер хўжалиғи бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Муҳаммад Аҳмедов, "Муҳаббат хайр соҳавати" МЧЖ таъсисчиси К. Рўзиев ва бошқалар ҳам ушбу муҳим ҳужжатдаги вазифалар ижроси иқтисодиётимиз юксалишида албатта ўз самарасини беришига қатъий ишонч билдирдилар.

Ўз навбатида иштирокчилар ҳам халқимиз ва Ватанимиз ҳаётида муҳим сийёсий воқеа ҳисобланган бўлажак сайловда фаол иштирок этиб, ушбу партия номзодларига ҳамжиҳатлик билан овоз беришларини айтишди.

Асқор ИСТАМОВ,
"XXI аср" муҳбири



нингдек, сийёсий куч ўғил-қизларни IT ва спортга кенг жалб этиш борасида пухта ишланган режаларни амалга оширади, бандлик ва ишбилармонлигини фаол қўллаб-қувватлайди. Хусусан, ишсиз ёшларни замонавий касбларга ўқитиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқади.

тиядан номзодлари кўрсатилган Шухрат Бафоев, Мадина Баротова ва бошқалар Сайловолди дастури хусусида батафсил сўз юритишди. Бухоролик ёшлар ҳам мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишлари, зикр этилган дастур

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHIBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир ҳайъати:

Актам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХУЖАЕВА

Дилшод ШОУМАРОВ
Сирожиддин САЙИИД
Ақшагул ТУЛЕГЕНОВА

Нодир ЖУМАЕВ
Шухрат АСЛОНОВ
Насимжон АЛИМОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

"XXI asr" ижтимоий-сийёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиғи (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиғи)да 2011 йил
14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 4 босма табоқ,
Буюртма рақами: Т – 1045
Адади: 5553
Баҳоиси келишилган нархда.
Топширилди – 19:40

Тахририятга келган қўлзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© "XXI asr" дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КўРСАТКИЧИ: 406
123456

Навбатчи муҳаррир:
Фаррух ЖАББОРОВ